

Ушбу сонда:

“Ўзбегим дурдонаси”нинг йигирманчи баҳори

3

8-9



16

ALOQACHILAR UJVIDAN

Узоқ-яқиндаги дўст-ёрларимиз, Соғинак, ташвиш йўқ – дунё бир қадам. Факс, компютер, Интернетимиз, Хизматимиздадир ҳар доим, ҳар дам...

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHONSEN SEN



Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.khabar.cc.uz

khabar@uzpak.uz

orlf@infonet.uz

1992-йил мартдан чиқиш бoshлаган

2005-йил, 13-май, 19 (660)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7-8 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан 2005 йил 10-12 май кунлари Корея Республикаси Президентини Но Му Хён давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

◆ Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Сенаторлар парламент юқори палатасининг олтинчи кўмитаси таркибини ҳамда кўмита раисларининг ўринбосарларини сайладилар, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссиясини тuzдидилар. Шунингдек, Сенат Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

◆ Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институтининг очилиш маросими бўлди. Янги институт икки мамлакат ўртасида таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши алоҳида таъкидланди.

◆ Пойтахтимизда “Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакли ва усуллари” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Анжуман Республика болалар ижтимоий маслаҳуви маркази, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан Тошкент шаҳри ҳокимлиги, “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоатчилик болалар камармаси, шунингдек, ЮНЕСКО ВА ЮНИСЕФ кўмагида ташкил этилди.

◆ Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган янги темир йўлининг иккинчи босқичи — 59,1 километр узунликдаги Қумқўрган-Бойсун йўли ишга туширилди.

Ягона ахборот макони сари



Жорий йилнинг 11-12 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида “Ўзбекистон алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Республика радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети тадбир ташкилотчилари бўлди. Ушбу анжуман мамлакатимиз алоқа соҳасининг ярим асрлик юбилейи, Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги ва Тошкент телеминорасининг 20 йиллиги доирасида ўтказилаётган илмий ва илмий-техникавий тадбирлар сирасига кирди.

Анжумани кириш сўзи билан очган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла АРИПОВ соҳанинг барча ходимларига табрик йўллади ва нутқ сўзлади.

(Давоми 2-бетда.)

Мукофотлар муборак!

Мустақил республикамизнинг раванга йўлида олиб борилаётган улкан ишларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган алоқачиларнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Алоқачиларнинг касб байрами ва Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан соҳанинг ривожланишига, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифатини янада юқори даражага кўтарилишига қўшган муносиб ҳиссалари ва фидокорона меҳнатлари учун Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассаса ҳамда айрим қўшма корхоналарнинг раҳбар ходимлари, муҳандис-техник мутахассислари ва оммавий касб эгаларидан бир гуруҳи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан мукофотландилар. Жумладан:

◆ “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамияти Навоий филиали Қизилтепа почта алоқаси тармоғининг “Узилишкент” алоқа бўлими бошлиғи Умнат Жумаевич МУҲАМ-

МЕДОВ, “Алоқинвест” очик акциядорлик жамияти Бухоро вилояти кўча механизациялашган жамланмиси бошлиғи Ҳайдар Усмонович ВОХИДОВлар “МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан; “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси «Наманган Телеком» филиали Косонсой телекоммуникациялар боғламасининг 4-тоифали электромонтери Иброҳимжон Усмонович ҚЎБОВ, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг «4-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси» бошлиғи Абдуманнап Махаматшапиевич ШАРАФИДДИНОВ, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси «Бухоро Телеком» филиалининг Шофиркон телекоммуникациялар боғламасининг 6-тоифали электромонтери Ҳомид ТЕМИРОВ,

(Давоми 2-бетда.)

UZPAK

Бизнинг Интернет ҳамкоримиз



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Маълумки, ахборот-коммуникациялари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналиш республикамизда нафақат ахборотлашган жамият қарор топишига хизмат қилади, балки унинг иқтисодий салоҳиятини ривожланган давлатлар даражасига кўтарилади ҳамда ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар рўй бераётган бир даврда умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига омил бўлади.

2004 йил якунига кўра, республикамиз телекоммуникациялар маҳаллий тармоғи икки мингдан ортиқ АТС ва 1,9 миллиондан зиёд абонент рақамларини ўз ичига олади. Уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 1,7 баравар ошиб 544 минг нафарни ташкил этган. Шаҳарлардаги абонентларнинг 98 фоизига, қишлоқ жой-



Ягона ахборот макони сари



лардаги абонентларнинг 69 фоизига халқаро ҳамда шаҳарлараро автомат алоқа тизимларига улашни имкониятлари яратилган. Аҳоли ва ҳудудларнинг 98 фоизи давлат телевидениеси ва радиоси дастурларини қабул қилиш имкониятига эга. Интернетдан фойдаланувчилар сони ўтган йили 1,9 марта кўпайди ва 675 мингга етди. Интернет тармоғи халқаро каналларининг маълумот ўтказиш имконияти 2003 йилдагига нисбатан 5,9 баравар оширилиб, 53 Мбит/с.га етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон

телекоммуникация тизимида 28та йўналиш бўйича дунёнинг 180та мамлакатига чиқадиغان тўғридан-тўғри халқаро каналлар ишлаб турибди ва уларда оптикали ва сунъий йўлдошли алоқа тизимларидан фойдаланилмоқда. Утган йиллар давомида амалга оширилган муҳим лойиҳалардан бири, шубҳасиз, рақамли магистрал тармоқнинг барпо этилгани бўлди. Айни пайтда янги, айланма ва захира алоқа тармоқлари яратилмоқда.

Анжуманнинг дастлабки куни ўтказилган пленар йиғилишда Радиоалоқа, радиоэшиттириш

ва телевидение маркази бошлиғи М.Отамухамедов, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Махмудов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Мухитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовларнинг маърузалари тингланди. Шундан сўнг анжуман гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди.

Президент И.Каримовнинг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий

этиш тўғрисида"ги Фармони, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо", "Электрон ҳужжат айланиши", "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар, Агентликнинг қатор меъёрий ҳужжатлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда ва улар республикамизнинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашуви учун истиқболлар яратмоқда. Ушбу қонун ҳужжатлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-техникавий тадқиқотларни кенг миқёсда олиб боришга замин ҳозирлади.

Тадбирда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш, телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари, почта алоқаси, ахборот хавфсизлиги, соҳа менежменти ва маркетинги, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг замонавий ва истиқболли йўналишларига бағишланган 140дан ортиқ илмий-техникавий мавзудаги маъруза тингловчилар эътиборига ҳавола этилди. Анжуманда ўндан зиёд хоризг университетлари, институтлар, компаниялар, корхона ва ташкилотлардан келган вакиллар иштирок этишди.

— Ўзбекистон ўзаро муносабатлар ўрнатилишида доимо Худудий алоқа ҳамдўстлигига яқиндан кўмак бериб келган, — деди мазкур Ҳамдўстлик бош директорининг ўринбосари М.Кожакин. — Ҳозирги кунда ҳамкорлигимиз ўз самараларини бермоқда ва ўйлайманки, бу янада мустаҳкамланаверади.

Конференция давомида Тошкент ахборот технологиялари университети фойсисда компаниялар, корхона ҳамда ташкилотларнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида эришган ютуқлари, амалга оширган ишлари ўз ифодасини топган кўргазма ҳам ташкил этилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Лутфилло ТУРСУНОВ
олган суратлар



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қорақалпоқ Телеком» филиалининг Амударё телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Ортиқбай ШАМУРАТОВ**, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Қорақалпоқ филиалининг Қанликўл почта алоқа тармоғи бошлиғи **Аралбай КОШЕРБАЕВ**, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали Марҳамат почта алоқа тармоғи бошлиғининг ўринбосари **Ҳалимжон Топшўлатович АБДУХОЛИКОВ**, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Сирдарё филиали Сайхунобод почта алоқа тармоғининг «Иттифок» алоқа бўлими бошлиғи **Людмила Дмитриевна ДОДОЕВА**, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Фарғона филиали Ишлаб чиқариш участкасининг матбуот тарқатиш бўлими хабарчиси **Вера Николаевна ИВЖЕНКО**, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг чакана савдо катта ушбу тарқатувчиси **Ўткир Убайдуллаевич АКБАРОВ**, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси Сурхондарё ви-

Мукофотлар муборак!

лоят «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасининг Шўрчи бўлими бошлиғи **Алишер Тўхтамишович АЛЛАЁРОВ**, Тошкент вилояти давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Юсуф Атабекович ДАДАДЖАНОВ**, Давлат алоқа инспекцияси Ахборот-коммуникация технологиялари бўлимининг етакчи муҳандиси **Алишер Абдуллаевич ХУДАЯРОВ**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг Навоий РТУМ муҳандиси **Шуҳрат Амонович ҲАЙТОВ**, «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонасининг бўлим бошлиғи ўринбосари **Сагдилло Файзиллоевич ТУРСУНОВ**, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг ўринбосари **Зайниддин Бабаханович ГИЯСОВ**, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика марказининг Шартномалар ва ўзаро ҳисобкитоб бўлими бошлиғи **Олга Викторов-**

на ШУХМИНА, Электромагнит мослашув маркази Радио мониторинг маркази хизматининг етакчи муҳандиси **Любов Митодис СОКОЛОВА**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) тиббиёт хизмати бошлиғи **Алишер Юсупович ЭШДАВЛАТОВ**, «Алоқабанд» очиқ акциядорлик жамияти Самарқанд КМЖ 2-тоифали монтажчиси **Жамолддин Носирович ҚУДРАТОВ**, Ўзбекистон Республикаси Радио-частоталар бўйича давлат комиссиясининг бўлим бошлиғи **Нурунахон Абдумаликовна АРИПОВА**, Тошкент ахборот технологиялари университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси **Гулистон Восилжонна ЮСУПОВА**, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчи-методисти **Раҳбар Алимжонна ДАДАМАТОВА**, АТ «Алоқабанд» Амалиёт бошқармасининг жамағарма амалиётлари шўъбаси бошлиғи

Елена Краснославовна ПЕРФИЛЕВА, «Ўзмаком» кўшма корхонаси маркетинг ва бизнесни ривожлантириш бошқармасининг Мижозлар бўлими етакчи мутахассиси **Оксана Петровна ХАН**, «Қоском» кўшма корхонаси 1-тоифали муҳандиси **Дмитрий Валиджанович ГАБДУРАХМАНОВ**, «Юнител» масъулияти чекланган жамияти Радиотармоғи бўлими бошлиғи **Марс Мударисович ФАРХУТДИНОВ**, «Камалак-ТВ» масъулияти чекланган жамиятининг монтажчи-ҳайдовчиси **Алишер Акмалович АҲМЕДОВ**, «Ўздунробита» хоризжий компаниясининг Бухоро филиали директори **Шуҳрат Саттарович ГАФФАРОВ**, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўлими бошлиғи **Сирожиiddин Саидқосимович УСМОНОВ**лар «ФАХРИЙ ЁРЛИК» ҳамда бир гуруҳ алоқачилар «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак,
азиз ҳамкасблар!

TELEMINORAGA 20 YIL

KO'RIK-TANLOV

Дунёда етти мўъжиза бор ва улар инсон тасаввуридан кўра юқорирок деб таърифланади. Ингирманчи асрда жаҳонда яратилган архитектура дурдоналарининг ҳам талайгинасини мўъжиза дейиш мумкин. Тошкент телеминораси ҳам ана шундай ноёб иншоотлар сирасига киради ва архитектура ечимни бўйича жуда мураккаб ҳисобланади.

Телеминорамиз қурилиши тарихини эсласак, унинг ниҳоятда мураккаб ва оғир шароитда кечганини кўрамиз. Уша пайтда нафақат табиий шароит жиҳатдан, балки иқтисодий тарафдан ҳам мумамлолар етарли эди. Тошкентда бундай улкан иншоотни қуришни бош-

ходимларнинг жамоада ўз ўрни бор. Мутахассисларимизнинг муҳандислик салоҳиятини исбот қилувчи бир мисол. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти ташаббуси билан 2000 йили Тошкент телеминорасининг радиотехник қурил-



“Ўзбегим дурдонаси”нинг йигирманчи баҳори



лаш ва уни якунига етказиш осон бўлмаган. Бунинг уддасидан чиққанларга тасаннолар айтсак арзийди. Бугунги кунда телеминора хизматидан фойдаланаётганлар — сайёҳлардан тортиб ходимларгача, аҳоли-ю, телеминора ёрдамида ўз хизматларини кўрсатаётган корхоналаргача, хуллас, барчамиз Тошкент телеминораси муаллифларидан, унинг қурилишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонлардан миннатдор бўлишимиз, телеминорани асраб-авайлашимиз лозим.

Тошкентда янги телеминоранинг қурилиши ва унинг кейинги иш жараёнида аввал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари, кейинчалик телеминоранинг бошлиғи вазифасида ишлаган У.Қодирова, мураккаб телерадиоузатгичларни ўрнатиб, ишга туширишда жонбозлик кўрсатган марҳум Х.Мирсодиқов ва бугунда ҳам меҳнат қилиб келаётган И.Мирсодиқов ҳамда Р.Турсуновларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Хар қандай корхона аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун ўзининг тажрибали, билимли ва етук мутахассисларига таянади. Телеминорада бундай ходимлар талайгина. М.Муҳамедов, П.Голдварг, Э.Аваков, Қ.Эргашев, Б.Туяқов, В.Иващенко, Т.Кабина, Ш.Зокиров, Т.Юсупов, В.Ҳалимов... хуллас, рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Умуман олганда, барча

маларини янгилаш ишлари бошланди. Танлов эълон қилиниб, унда Япониянинг “ИТОЧУ” корпорацияси ютиб чиқди ва 2002 йилдан бошлаб телерадиоузатгичларни янгилаш ишлари бошланди. Япония мутахассисларининг лойиҳаси бўйича FM диапазонида ишловчи янги антенна ўрнатиш кўзда тутилган. Бу кўп вибраторли антенна панели бўлиб, оғирлиги 8 тоннани ташкил этар ва бу антеннани телеминоранинг 265 метр баландлигига ўрнатиш лозим эди. Тасаввур қилинг, миноранинг 265 метрига 8 тонналик антеннани қандай қилиб ўрнатиш мумкин?! Телеминоранинг архитектура кўриниши кўпол равишда бузилиши-чи?!

Ана шундай мушкул вазифалардан чиқиб кетишнинг бирдан бир йўли — мутахассисларимизнинг муҳандислик салоҳиятини ишга солиш эди. Бунинг учун ишчи ғуруҳи тузилди ва ТАТУнинг «АФҚ» кафедраси доценти Г.Габзалилов ёрдамида тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада телеминоранинг 265 метр баландлигида жойлашган УКВ-ЧМ вибраторли антенналарни FM диапазонида ишлатиш мумкин деган хулосага келинди ва 18та вибратор демонтаж қилиниб, қайта тикланди. Бу ишларнинг барчаси фақат тунда, телерадиоузатгичлар учиринган пайтда бажарилди. Ушбу машаққатли меҳнатлар самараси ўлароқ, 150 миң АҚШ доллари ва 23

миллион сўмлик маблағ тежалди. Шунингдек, телеминоранинг архитектура кўриниши ўз ҳолича сақлаб қолинди.

Бажарилган ишлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти томонидан юқори баҳоланди. Шу билан бирга, ушбу техник ечим соҳамизда йилнинг энг яхши рационализаторлик таклифи деб топилди.

Тошкент телеминораси Бутунжаҳон буюк миноралари жамиятига аъзодир. 2002 йилдан бошлаб ушбу жамиятга аъзо миноралар макетини тайёрлашга киришилди ва 2004 йилга келиб макетлар асосида музей ташкил қилинди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур музей дунёда ягонадир.



Бугунги кунда Тошкент телеминорасида жуда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Чунки, икки қаватли кириш мажмуасининг биринчи босқичи қуриб битказилди. Навбатдаги босқичда телеминорага таширф буюрувчилар учун махсус ёпиқ йўлак қурилади. Бу уларга қулайлик яратиш билан бирга хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам имкониятларни бирмунча яхшилайди.

Байрам арафасида янги қурилган бинога Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази қўчиб келди. Бу марказ жамоаси учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

**Маҳаммадзод
ОТАМУХАМЕДОВ,
Радиоалоқа,
радиоэшиттириш ва
телевидение маркази
бошлиғи**

Энг яхши хабарчи ким?

Буни республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов аниқлаб берди

Шу йилнинг март ойида “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши ҳамкорлигида Сихат-саломатлик йили ҳамда алоқа соҳасининг ярим асрлик юбилейига бағишлаб “Энг яхши хабарчи” кўрик-танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Мазкур қарор асосида танлов низоми, уни ўтказиш тартиблари ишлаб чиқилди, ташкилий қўмита тузилди. Танлов уч босқичда ўтказилиши белгилаб олинди.



Дастлаб “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ филиалларининг шаҳар, туман почта алоқа тармоқларида кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Сўнгра вилоят босқичи ўтказилиб, унинг ғолиблари республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўтган ҳафтада “Тошкент почтамати” филиалининг катта мажлислар залида танловнинг сўнгги — республика босқичи бўлиб ўтди.



Тадбирда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Рустам Қосимов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тохир Назаржонов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг почта технологиялари ва хизматлари бўлими бошлиғи Тамара Бажановалар сўзга чиқиб, танлов иштирокчиларига омад тилашди. Шундан сўнгра иштирокчиларнинг танлов шартларини бажаришларини баҳолаб бориш учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директорининг ўринбосари Хайра Тожиева раислигида ҳакамлар ҳайъати тузилди. Низомга мувофиқ танлов иштирокчилари тўртта шарт бўйича баҳолаб борилди.

Танловнинг биринчи кўни Тошкент алоқа касб-хуна қуни коллежи спорт залида 14 нафар иштирокчи спортнинг баскетбол ва енгил атлетика эстафетаси бўйича ўзаро куч синаядилар.

Почтачи доимо одамлар орасида бўлади. Шунинг учун ҳам у ўз касбининг устаси, интеллектуал салоҳиятли бўлиши зарур. Танловнинг иккинчи шартига кўра, почтачиларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ўз касблари ва ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада билишлари синовдан ўтказилди. Учинчи шартга мувофиқ ҳар бир иштирокчидан почта жўнатмалари ва даврий нашрларни манзиллари бўйича саралаш, тахлаш, иш варақасини тайёрлаш, қайд этиш талаб қилинарди. Айтиш мумкин, бунда улар ўз касбий маҳоратларини намоийш қила оlishди. Тўртинчи шартга кўра ашула, шеър айтиш ва бошқа эркин маъзулар бўйича ҳам иштирокчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Ва ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати танлов

ғолибларини эълон қилди: биринчи ўрин — Тошкент вилояти вакили, Ангрен шаҳар почта алоқа тармоғи 17-алоқа бўлими хабарчиси Любов Давлетова, иккинчи ўрин — Тошкент шаҳри вакили, “Тошкент почтамати” филиалининг 77-алоқа бўлими хабарчиси Татьяна Глушкова, учинчи ўрин — Самарқанд вилояти вакили, Самарқанд шаҳар почта алоқа тармоғининг 60-алоқа бўлими хабарчиси Алижон Шаймановга насиб этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Рустам Қосимовлар биринчи ўрин соҳибасига диплом ва рангли телевизор, иккинчи ҳамда учинчи ўрин эгаларига диплом ва видеоманитофонларни топширишди. Шунингдек, танловнинг ҳар бир иштирокчисига “Фахрий ёрлик”лар ва эсдалик совғалари берилди.

— Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга, — дейди биз билан сўхбатда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи, танлов ташкилий қўмитаси аъзоси Тожимурод Хўжакулов. — Танлов ёрдамида почтачиларимиз орасида соғлом ҳаётга бўлган интилишни қучайтириш, миллатлараро дўстликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтириш, илғор иш услубларини оммалаштириш асосий мақсадидир эди. Келгусида ҳам ана шундай хайрли ва эзгу тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз.



Дарҳақиқат, кўрик-танловлар нафақат ғолибларни аниқлайди, балки ходимларни янада жўшиб ишлашга, янги марраларни эгаллашга, касб маҳоратини ошириб боришга ундайди. Бундан ташқари ҳамкасбларни ўзаро аҳил ва тотув меҳнат қилишга чорлаб, соғлом муҳит яратди. Кўрик-танловлар шу жиҳатдан ҳам гоё аҳамиятлидир.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

С. НАСЛЕДОВ олган суратлар

Стало доброй традицией отмечать весенний день 9-го мая как День памяти и почестей. Эта дата, взывающая к памяти и чести человека, олицетворяет уважение к старшему поколению, утверждение справедливости. В этот день мы отдаем дань памяти павшим за нашу Родину, мирное небо над нами, нашу благополучную жизнь. С любовью и гордостью вспоминаем ветеранов войны и участников трудового фронта, а также ветеранов труда мирного времени, самоотверженной работой и службой продолжающих славные традиции на благо нашего общества.



День памяти и почестей

Отметили накануне праздника в филиале «ТошТТС» АК «Узбектелеком»



Со скорбью мы чтим память и вспоминаем наших работников, принимавших участие в боевых сражениях. Их уже нет в наших рядах, но светлая память о них сохранится на долгие годы. Это Федор Яковлевич Шербаков – был связистом и День Победы встретил в Праге, Варвара Емельяновна Бобылева – по окончании курсов радистов служила в разведке, Эммануил Моисеевич Розенфельд – воевал на Одере, закончил войну на подступах к Берлину.

В нас живет благодарная память и к участникам трудового фронта в военное время. Так, Андрей Федорович Тимофеев, работая инженером на МТС, обеспечивал бесперебойную связь между Москвой и Тегераном, где проходило совещание глав правительств СССР, США, Англии, за что был награжден орденом. В тяжелейших условиях военных трудовых будней Центрального телеграфа работали начальник цеха телеграфной связи Агзам Назарович Каримов, телеграфист Серафима Яковлевна Вайсерман.

Мы осознаем, что надо помнить



свою историю, ценить мирную жизнь, оказывать должное уважение к нашим ветеранам. Среди них участники войны в Афганистане – начальник участка цеха спутниковой станции «Азимут» Зонд Касымов, сантехник Олег Назаров, а также ветераны труда, долгие годы работающие на нашем филиале. Это Саида Салимовна Ибрагимова и Артур Германович Войцеховский. Оба они проработали на данном предприятии более сорока пяти лет, оба награждены знаком «Мастер связи», вносят неоценимый вклад в дело подготовки молодых специалистов.

Директор «ТошТТС» Амир Рустамович Газиев тепло поздравил собравшихся, отметил, что в нашей республике, в каждой семье этот красный день кален-

даря воспринимается с особой теплотой. Из глубокой древности идет традиция почитания людей старшего поколения, защитников отечества, героев трудового фронта. На их примере воспитывается молодежь, осуществляется эстафета поколений.

Эта мысль красной нитью проходила и в других выступлениях участников торжественного мероприятия.

В ознаменование Дня памяти и почестей, а также 50-летия создания отрасли связи в республике для ветеранов и работников «ТошТТС» был разослан большой праздничный дастархан.

Дилшод УСМАНОВ,
председатель профкома
«ТошТТС»

Фото С.Ахадова

Аждодлар хотираси муқаддас

Маълумки, 9 май мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланиб келинмоқда.

Бу кун ўтган аждодларимизни, она юрт тинчлиги йўлида жанг жаддаларда қатнашган юртдошларимизни, фидокорона меҳнатлари билан халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган инсонларни ҳурмат билан ёдга оламиз.

Тошкент ахборот технологиялари университетида ушбу кутлуг санага бағишлаб «Аждодлар хотираси муқаддас» мавзудида хотира кечаси ташкил этилди.

Кечада ТАТУнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича биринчи проректори Н.Мўминов сўзга чиқиб, уруш ва меҳнат фахрийларини табриклади ва уларга муқофотлар топширди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийси, подполковник В.Горюнов уруш йиллари хотиралари билан ўртоқлашди. Университет касабаси уюшмаси кўмитаси раиси К.Эгамбердиев ҳамда «Ҳарбий» кафедраси бошлиғи, подполковник А.Абдуҷамиловлар ҳам фахрийларга табрик йўллашди.

Дилфуза НУРМУХАМЕДОВА,
ТАТУ Маънавий-ахлоқий тарбия
ишлари бўлими услубийчиси

Меҳру оқибат намойиши

Фаргона шаҳридаги «Кўксарой» мажмуида «Фаргона Телеком» филиали ва вилоят бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси томонидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган алоқачилар учун байрам тадбири уюштирилди. Тадбирга Жўрабой ота Курбанов, Александр Абрамова, Нина Рудина, Мамасодиқ ота Мамаюсупов, Маматқул ота Маҳкамов сингари уруш ва меҳнат фахрийлари тақдир этилди.

Йилгида «Фаргона Телеком» филиали директори Нўмонжон Акбаров сўзга чиқиб, Галабининг 60 йиллиги билан фахрийларни табриклади ҳамда ўтганларни хотирлаш, жамоа аъзоларини қадрлаш бўйича корхонада амалга оширилётган ишлар ҳамда соҳа тараққиётини таъминлаш, электр алоқасига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш борасида эришилган ютуқларга тўхталди.

Шундан сўнг соҳада узоқ йиллар самарали ишлаб келатган филиал техника хавфсизлиги мутахассиси Мусажон Ёқубжонов, филиал фуқаро муҳофазаси мутахассиси Фуржон Кенжаев, Маргилон телекоммуникациялар боғламаси иқтисодчиси Абдумўмин

Отажонов, Қувасой телекоммуникациялар боғламаси катта электромонтёри Розия Намозова, Фуркат телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Муҳаммадjon Ғозиев ва яна кўпball алоқачиларга вилоят ҳоқимлиги ва «Фаргона Телеком» филиалининг «Фахрий ёрлик»лари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Алоқачиларни Илҳом Иброҳимов, Валижон Қодиров, Шахло Рустамова, Абдулҳай Каримов, Нуриддин Аскарлов каби таниқли хонандалар ва моҳир сўз устаси Мамасиддиқ Ширьев раҳбарлигидаги аскиячлар гуруҳи ўз санъатлари билан мамнун қилдилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
жамоатчи мухбиримиз

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси норматив ҳужжатларининг маълумотлар банки» (НХМБ) дастури яратилди. НХМБдан Сиз Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари ва норматив ҳужжатлари, халқаро (ХЭИ, ЕТСИ, ИСО, ХЭК), давлатлараро ва соҳага оид норматив ҳужжатлар тўғрисида ахборот оласиз, шунингдек, унинг фойдаланувчиси бўлсангиз, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид норматив ҳужжатларнинг матнларини кўриб чиқишингиз ёки олишингиз мумкин. Қулай қидирув тизими ёрдамида ўзингизга керак бўлган ҳужжатни осон ва тезда топишингиз мумкин.

НХМБнинг Интернет-версиясидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин фойдалана олиш мумкин, бу фойдаланувчиларга махсус дастурларни ўрнатмасдан замонавий операция тизимларнинг стандарт вазиталари орқали ундан фойдаланиш имконини беради.

НХМБнинг Интернет манзили <http://nh.ilm.uz>

Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив тармокларига ўрнатиш учун кўзда тутилган НХМБнинг тармок версияси ҳам ишлаб чиқилди.

Интернет-версиясининг барча қулайликларидан ташқари, НХМБнинг тармок версияси корхона ҳужжатларини (корхона буйруқлари, фармойишлари ва турли норматив ҳужжатлари) НХМБга жойлаштириш ва корпоратив фойдаланувчиларни бошқариш имкониятларини ўз ичига олади.

Боғланиш учун телефонлар: (998-71) 134-79-00, 137-65-04
Факс: (998-71) 135-79-07

E-mail: ftmtm@uzpak.uz

WCG 2005 Uzbekistan Preliminary SAMSUNG

<p>WCG 2005 UZBEKISTAN PRELIMINARY SARALASH TURNIRINI OTKAZISH TARTIBI</p> <ul style="list-style-type: none"> • 15-maydan 3-iyungacha qadar Chempionat o'tkaziladigan klublarda ishtirokchilar royxatiga olinadi. • 4-5-iyun kunlari - Buxoroda mintaqaviy saralash turniri • 11-12-iyun kunlari - Samarqandda mintaqaviy saralash turniri • 18-19-iyun kunlari - Farg'onada mintaqaviy saralash turniri • 23-29-iyun kunlari - Toshkentda mintaqaviy saralash turniri • 1-iyul kuni - WCG 2005 Uzbekistan Preliminary Chempionatining Milliy finali. O'tkazish joyi: Xalqaro biznes markazi, 13-qavat. • 2-iyul - WCG 2005 Uzbekistan Preliminary Kompyuter o'yinlari bo'yicha O'zbekiston chempionati saralash turniri g'oliblarini rasmiy taqdirlash marosimi • 16-20-noyabrda O'zbekiston faoli oyin bo'yicha tema komandisining Singapurdagi Grand Final WCG 2005 da ishtiroki. 	<p>CHEMPIONAT KLUBLARI</p> <p>Buxoro shahrida Navoiy, Xorazm, Qashqadaryo viloyatlari, Qoraqalpog'istondagi geymerlar o'ynaydilar Game Zone klubi Manzil: 6-mikrorayon, Farog'ly ko'chasi, 30-uy e-mail: game-zone-6m@rambler.ru tel. (8-365) 222-14-72</p> <p>Namangan shahrida Andijondagi geymerlar o'ynaydilar «Sardoba» klubi Manzil: Navoiy ko'chasi, 4-uy «Sardoba» bozori yonida tel. (8-3692) 26-32-55 e-mail: fanbibt@rambler.ru</p> <p>Farg'ona shahrida Andijondagi geymerlar o'ynaydilar Saytex klubi Manzil: O. Qambarova Maiflat ko'chasi, 45-uy, 5 korpus e-mail: saytex@ilml.uz tel.: (8-3732) 24-12-15, 24-12-16, faks 24-79-59</p>
<p>Samarqand shahrida Surxondaryo, Jizzax viloyatlaridagi geymerlar o'ynaydilar</p> <p>Samarqandda royxatga olish ma'lumotlari va www.wcg.uz saytida</p> <p>Toshkent shahrida klublar Elite klubi Manzil: Amir Temur ko'chasi, 1 (Amir Temur muzeyida) tel. 132-02-07</p> <p>Free Connect klubi Manzil: Yunusobod tumani, Murtozoyev ko'chasi, 40 tel. 135-27-08</p> <p>Magic Touch klubi Manzil: Kosmonavtlar shoh ko'chasi,</p>	<p>WCG 2005 Uzbekistan Preliminary rasmiy o'yinlari:</p> <p>WarCraft® III: Frozen Throne - 12 yoshdan katta o'yinchilar StarCraft®: Blood War - 12 yoshdan katta o'yinchilar Half-Life®: Counter-Strike 1.6 - 1998 yil 16-noyabr gacha tug'ilgan o'yinchilar Need for Speed 2: Underground-yosh cheklanmagan.</p>

www.wcg.uz royxatga olish mumsin.



О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ

Акциядорлик компанияси
жамоаси

Республикамиз алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳаси ҳамда
Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг
ярим асрлик тўйи,
Тошкент
телеминорасининг
20 йиллиги муносабати
билан соҳа ходимларини
муборакбод этади.




Муҳтарам ҳамкасблар!
Сизларга машаққатли, аммо
шарафли касбий фаолиятингизда
қатъий ирода тилаймиз.

**Муваффақиятлар доимий
йўлдошингиз бўлсин!**

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча
юртдошларимизни, шу
жумладан, алоқачиларни

алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим
асрлик тўйи ҳамда
Тошкент
телеминорасининг
20 йиллиги билан чин
дилдан қутлайди.



**Азиз Ватандошлар!
Сизларга соғлиқ-омонлик
тилаган ҳолда келгуси
ишларингизда муваффақиятлар
ёр бўлсин деймиз.**

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»

Наступление даты закрытия реестра:

Порядковый номер сообщения – 07

Дата принятия решения о дате, на которую составляется список владельцев акций – 28 марта 2005 года

Дата, на которую составляется список владельцев акций – 28 марта 2005 года

(протокол Наблюдательного совета подписан 18.03.2005г., сообщение напечатано в газетах «Правда Востока» (29.03.05г.) и «Xabar» (1.04.2005г.)

Решения общего собрания акционеров:

Порядковый номер сообщения – 09

Вид общего собрания акционеров – внеочередное

Форма проведения собрания – очное

Дата проведения Общего собрания акционеров – 27 апреля 2005 года

Место проведения – г. Ташкент, ул. Амира Темура 7/8, конференц-зал отеля «DEDEMAN Silk Road»

Кворум собрания - 29686727 штук акций или 96,38 % от общего количества акций

Вопросы повестки дня, поставленные на голосование:

1. О внесении изменений и дополнений в Устав АК «Узбектелеком»

Решение, поставленное на голосование:

1.1. Уменьшить размер выплаты дивидендов по привилегированным акциям с 30 % до 25 %.

1.2. Утвердить изменения и дополнения в Устав АК «Узбектелеком» согласно Приложению.

Итоги голосования:

«За» - 29686352 «Против» - 375 «Воздержались» - 0

Приложение

Утверждено Общим собранием акционеров

АК «Узбектелеком». Протокол № 12 от 27.04.2005 г.

ДОПОЛНЕНИЯ И ИЗМЕНЕНИЯ (9) в Устав АК «Узбектелеком»

Старая редакция	Новая редакция
<p>1.4. В состав Компании входят:</p> <p>1.4.1. Филиалы:</p> <p>“Тошкент шаҳар телефон тармоғи”, “Тошкент Телеком”, “Сирдарё-Телеком”, “Андижон Телеком”, “Наманган Телеком”, “Фаргона Телеком”, “Коракалпоқ Телеком”, “Бухоро Телеком”, “Навоий Телеком”, “Хоразм Телеком”, “Тошкент Телефон Телеграф Станцияси”, “Шаҳарлараро Алоқа корхонаси”, “Интал Телеком”, “УзНЕТ”, “Жиззах Телеком”, “Самарканд Телеком”, “Кашкадарё Телеком”, “Сурхондарё Телеком”, “Узбектелеком Мобайл”.</p>	<p>1.4. В состав Компании входят:</p> <p>1.4.1. Филиалы:</p> <p>“Тошкент шаҳар телефон тармоғи”, “Тошкент Телефон Телеграф Станцияси”, “Шаҳарлараро Алоқа Корхонаси”, “УзНЕТ”, “Узбектелеком Мобайл”, “Инженерно-технический центр”, “Тошкент Телеком”, “Сирдарё Телеком”, “Андижон Телеком”, “Наманган Телеком”, “Фаргона Телеком”, “Бухоро Телеком”, “Навоий Телеком”, “Хоразм Телеком”, “Жиззах Телеком”, “Самарканд Телеком”, “Кашкадарё Телеком”, “Сурхондарё Телеком”, “Коракалпоқ Телеком”.</p>
<p>6.4. По результатам деятельности Компании размер дивидендов по привилегированным акциям составляет не менее 30 % от номинальной стоимости акций. При недостатке или отсутствии чистой прибыли, дивиденды по привилегированным акциям выплачиваются из резервного фонда.</p> <p>В случаях, когда размер дивидендов по простым акциям превышает 30% их номинальной стоимости, дивиденды по привилегированным акциям не могут быть меньше размера дивидендов, начисленных по простым акциям.</p>	<p>6.4. По результатам деятельности Компании размер дивидендов по привилегированным акциям составляет не менее 25 процентов от номинальной стоимости акций. При недостатке или отсутствии чистой прибыли, дивиденды по привилегированным акциям выплачиваются из резервного фонда.</p> <p>В случаях, когда размер дивидендов по простым акциям превышает 25 процентов их номинальной стоимости, дивиденды по привилегированным акциям не могут быть меньше размера дивидендов, начисленных по простым акциям.</p>
<p>8.2.1 часть прибыли в виде дивидендов, в размере не менее 30% от номинальной стоимости акций;</p>	<p>8.2.1. часть прибыли в виде дивидендов, в размере не менее 25 процентов от номинальной стоимости акций;</p>

O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI JAMOASI

Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик юбилейи
ҳамда Тошкент ахборот
технологиялари университетининг
50 йиллиги муносабати билан барча
алоқа ходимларини қизгин
табриклайди.

*Олдингизга қўйган эзгу
мақсадларингизни амалга
оширишингизда сизга куч-қувват
ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.*

Ўтиб бораётган ҳар бир
лаҳзалар ҳаётингизга мазмун
бахш этсин!



"EAST TELEKOM" ҚУШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Тўзал юртимиз
алоқачиларини Ўзбекистон
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
юбилейи ҳақида Тошкент
телеминорасининг 20 йиллиги,
Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг 50 йиллиги
муносабати билан самимий
муборакбод этади.*

Дастурхонингиз ҳамisha
тўкин, ризқингиз бутун
бўлсин!




**Юртимиз янада
гуллаб-яшнайверсин!**



O'ZBEKTELEKOM

"ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим
асрлик юбилейи
ҳамда Тошкент
ахборот
технологиялари
университетининг
50 йиллиги билан
барча алоқачиларни чин
қалбдан табриклайди.



Юртимиз фаровонлиги
йўлидаги ишларингизда
Сизларга зафарлар
ҳамроҳ бўлсин.

Хонадонингиздан бахт ва
қувонч аримасин!

UZMACOM

ҚУШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча алоқа ходимларини
республикамиз алоқа
соҳасининг ярим асрлик тўйи,
Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг 50 йиллик
ҳамда Тошкент
телеминорасининг 20 йиллик
тантаналари билан қизгин
қутлайди.



**АЗИЗ АЛОҚАЧИЛАР,
ҚАДРИИ УСТОЗ-
МУРАББИЛАР!
БАРЧАНГИЗГА ҚУТАЎҒ
САНАЛАР МУБОРАК
БЎЛСИН.**

Ўзбекистон алоқа соҳаси ривожига ҳамда етук
алоқачи мутахассислар тайёрлаш йўлидаги
масъулиятли ва шарафли ишларингизда
омадлар ёр бўлишини тилаймиз!

«ALSKOM» ЎЗБЕКИСТОН- РОССИЯ ҚЎШМА СУФУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Алоқа ходимларини
мамлакатимизнинг устувор
тармоқлари қаторидаги
алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим
асрлик айёми билан
муборакбод этади.

*Соҳа равнақи ва
истиқболи йўлидаги саъй-
ҳаракатларингизда улкан
ютуқлар ёр бўлсин!*

Байрамингиз муборак!

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ

“СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ” Филиали ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш соҳасининг
ярим асрлик юбилейи ҳамда
Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг 50 йиллиги
билан алоқа соҳаси
ходимларини чин қалбдан
11.20 Минидурор. С. Кривокура. "СПОРТ ТЕЛЕКАНАЛИ".
11.00 Футбол. "Маньяк".
"Нойди".
12.10 "Шоҳсулади сун".
12.10 Каратэ бўйича халқаро турнир.
12.30-13.00 "Гинес рекордлари".
"СПОРТ ТЕЛЕКАНАЛИ".
16.55 Курсатулар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида).
17.15 Мултифильм.
17.30 Футбол. "Докимоти".
"Сугуанин". Туркиан-турни олиб, курсатулади. Танаффусда "Хужжатли фильм".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами).
17.10 В гостях у Люна Ирмайлова. Продолжение.
19.00 "Кто хочет стать миллионером?".
20.00 Время.
20.20 "Розыгрыш".
21.00 "Хабарлар".
21.15 Кибоксинг. Оснэ чемпионати.
21.35 "Табриклиминиз-қудайимиз".
21.50 "Нима учун?".
21.20 "Бахтия бўлинг".
22.05 Киноинот. "Нахот кайдириг".
23.15 Кибоксинг. Оснэ чемпионати.
23.35-23.40 Хайри тун, шарҳи!
СПОРТ телеканалы TV IV
7.20 Игрой, гармон, аэблима!
8.00 Слово вастари.
8.10 Зорозие.
9.00 Новости.
9.10 "Три оэли".
9.40 Премьера. "Спасатели".
Документальнй фильм.
10.20 "Кушири". Светлана Кривокура.
11.00 Новости (с субтитрами).
11.20 Минидурор. С. Кривокура. "СПОРТ ТЕЛЕКАНАЛИ".
11.00 Футбол. "Маньяк".
"Нойди".
12.10

“РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча алоқачиларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ярим асрлик тўйи ва Тошкент телеминорасининг 20 йиллиги муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.

**Сизга боқий умр,
тинчлик, омонлик, бахт-
саодат ҳамроҳ бўлсин.**

Қутлуг хонадонингиздан-файзу
барака ва рўшнолик аримасин!

“ЎЗИ-САМАРҚАНД” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ярим асрлик юбилеи ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги муносабати билан барча алоқачиларни самимий қутлайди.

Ватанимиз гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий равақати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Омад ва бахт доимий
ҳамроҳингизга айлансин!**



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ярим асрлик юбилеи ҳамда

Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллик тўйи билан

барча алоқачиларни табриклайди.

*Қадри касбдошлар!
Соҳамиз равақати йўлида бир тан-бир
жон бўлиб меҳнат қилаверайлик. Сизга бу
йўлда саломатлик, буюкмас ирода
тилаймиз.*

**Дастурхонингиз доимо
тўкин бўлсин!**



O'ZBEKTELEKOM


“АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ярим асрлик тўйи ҳамда Тошкент телеминорасининг 20 йиллиги муносабати билан қизгин қутлайди.

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
омад ва бахт тилаймиз.*



**ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗДА ДОИМО
ТИНЧЛИК ҲУҚМ СУРСИН!**

 O'ZBEKTELEKOM

“Навой Телеком” филиали жамоаси

Гузал юртимиз алоқачиларини
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик юбилейи
ҳамда Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг 50 йиллиги
муносабати билан муборакбод этади.

Эзгу мақсадларингизни
амалга оширишда
Сизларга куч-қувват ва
омад тилаймиз.



Мамлакатимиз янада
обод ва фаровон
бўлсин!


“ЎЗИ-ҚАРШИ” филиали жамоаси

Юртимиз алоқачиларини алоқа
ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
тўйи ҳамда Тошкент
телеминорасининг
20 йиллиги билан чин дилдан
муборакбод этади.




Ушбу фараҳбахш
кунларда Сизларга
энг эзгу тилакларни
йўллаётганимиздан
ғоят бахтиёрмиз.

Ўтаётган ҳар бир кун Сизга
олам-олам қувонч келтирсин!

 O'ZBEKTELEKOM

“ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ” филиали жамоаси




Барча алоқачиларни
Алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
юбилейи ҳамда Тошкент
ахборот
технологиялари
университетининг
50 йиллиги билан чин
қалбдан табриклайди.



*Ҳаётингиз нурли, умрингиз
узок, хонадонингиз фаровон
бўлсин!*

Эзгу орзуларингиз
ушалаберсин!


 O'ZBEKTELEKOM

“ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

Республикамиз алоқачиларини
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим
асрлик тўйи
муносабати билан қизғин
кутлайди.

Сизларга оилавий тотувлик,
бахт-саодат, хонадонингизга
тинчлик-хотиржамлик
тилаймиз.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза
ҳаётингизга мазмун бахш
этсин!

 O'ZBEKTELEKOM

“ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш соҳасининг
ярим асрлик тўйи ҳамда
Тошкент телеминорасининг
20 йиллиги билан соҳа
ходимларини қизғин қутлайди.

Яхши ният ила бошлаган
барча ишларингизда омад ва
муваффақият ҳамиша ёр
бўлсин.

**Хонадонингиздан фаёзу
барака армасин!**

“ЎЗИ-ЖИЗЗАХ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртимизнинг барча алоқачиларига
соҳанинг ярим асрлик тўйи
ва Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг
50 йиллиги муносабати билан
байрам табригини йўллайди.

Хурматли ҳамкасблар!

Сизларга тинчлик,
хотиржамлик,
хонадонингизга
қут-барака
тилаймиз.

**Байрамона кайфият
сизни асло тарк этмасин!**




“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

ҚОРАҚАЛПОҚ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқачиларини
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
тўйи ҳамда Тошкент
телеминорасининг
20 йиллиги билан табриклайди.

Қадрли ватандошлар!
Сизнинг бунёдкорлик фаолиятингизда
улкан ютуқлар, хонадонингизга бахт-
саодат, тотувлик тилаймиз!

 O'ZBEKTELEKOM

“БУХОРО ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқачиларини
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш соҳасининг
ярим асрлик юбилейи ҳамда
Тошкент ахборот технологиялари
университетининг 50 йиллиги
билан чин дилдан муборакбод этади.

Ушбу шукухли кунларда
сизларга энг эзгу тиласларни
йўллаймиз.


**Юртимиз
гуллаб-яшнайверсин!**

“КОИНОТ” ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз
алоқачиларини соҳанинг ярим
асрлик юбилейи ҳамда Тошкент
телеминорасининг 20 йиллиги
муносабати билан самимий
табриклайди.

Сизларга узок умр,
мустаҳкам соғлиқ,
фаолиятингизда
муваффақиятлар тилаймиз.

Айёмингиз
муборак бўлсин!

 O'ZBEKTELEKOM


“САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча алоқачиларни республика алоқа
ва ахборотлаштириш соҳасининг
ярим асрлик тўйи ҳамда Тошкент
телеминорасининг 20 йиллиги билан
қизгин қутлайди.

*Соҳа ривожини йўлидаги
ишларингизда муваффақиятлар
тилаймиз. Домо соғ-омон,
бахтли бўлинг.*

**Ватанимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!**


“ADOLAT-KUCHI” АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ЖАМОАСИ



Барча алоқа ходимларини
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
тўйи ҳамда Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг
50 йиллиги муносабати билан
қизгин табриклайди.

Азиз алоқачилар!
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий
хотиржамлик, ишларингизда ривож
тилаймиз.

**Мамлакатимиз янада обод
ва фаровон бўлсин!**

 O'ZBEKTELEKOM

“СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва
ахборотлаштириш
соҳасининг ярим асрлик
юбилейи ҳамда Тошкент
ахборот технологиялари
университетининг
50 йиллиги муносабати билан
барча алоқа ходимларини
муборакбод этади.

**Сизларга соғ-саломатлик,
оилангизга тинчлик, фаровонлик
тилаймиз.**

Агар тарихга назар солсак, илгари асосан чопарлар орқали алоқа боғланган. Ёзув пайдо бўлгандан кейин улар хат ташийдиган бўлишган. Ота-боболаримиз баланд минораларда машъала ёқиб, махсус белгилар ёрдамида ёки кабутарлар орқали ўзаро алоқа ўрнатганлар. **Ёмчилар хизмати ўлка-мизда ўрта асрларда ривожланиб, Сохибқирон Амир Темури даврида янада тараққий топган. Буюк Хитой деворидан ўрта денгизгача, Ҳиндистон марказида Шимолий муз океанигача кенгайган улкан салтанатни бошқаришда, Самарқанддан кўрсатма, буйруқ, фармонларни жойларга етказишда ва марказга ҳисобот олиб келишда, йўллардаги хавфсизликни таъминлаш борасида Амир Темури хабар ва почта хизматида катта аҳамият берганини тарихий манбалар исботлаб турибди.**

Испаниялик элчи Руи Гонсалес Клавихонинг хотираларида таъкидланишича, салтанатда барпо этилган ёмхоналар — тўхташ жойларида махсус йўловчилар дам олганлар, шунингдек, у ерларда чопарларнинг отларини алмаштириб олишлари учун от-улов ва махсус хизматчилар бўлган. Хат ва хабар олиб кетаётган чопар, яъни ёмчининг оти яроқсиз бўлиб қолса, йўлда учраган отликнинг отини миниб кетишга ҳақли эди. Карвонсаройларнинг қурилиши, савдогар ва элчиларни кузатиш, хат-хабар ва фармонларни жойларга етказиш учун махсус соқилар тайинланиб, уларнинг бари давлат хазинасидан маблағ билан таъминланган.

Ҳозирги алоқа воситаларидан энг қадимгиси бўлмиш почта йўналишларидан бири дастлаб **1865 йилда Тошкентнинг шимолий чеккасидаги Ниёзбек қалъаси билан Чикентини боғлаган.** 1868 йилга келиб эса ҳарбий маҳкамалар ва амалдорларга хизмат қилган.

Россия империяси Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантиргандан сўнг почта алоқаси хизмати Туркистон генерал-губернатори ихтиёридаги ишларни бажарган. Почта идоралари бошқармаси ташкил этилгач, аҳолига ҳам почта хизмати кўрсатиладиган бўлган. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда темир йўли ётқизиши ва телеграф ишга тушиши билан алоқа соҳасида янги давр бошланди.

Ишлаб чиқариш кучлари ўсгани сари алоқа воситалари ҳам тобора такомиллашиб борди, фан-техникада ўзгаришлар содир бўлди. 1832 йилда П.Шиллинг биринчи телеграф аппаратини ихтиро қилади. Орадан беш йил ўтгач С.Морзе ўз аппаратини яратди. 1843 йилдан эса унинг аппаратлари асосида шахарлараро биринчи телеграф алоқалари ўрнатилди.

Симли телеграф алоқасининг пайдо бўлиши хабар етказиш соҳасини янада ривожлантирди. **1884 йилда Тошкент-Хўжанд йўналишида бир симли телеграф линияси қурилди. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари орқали ҳам линия тортилиб, 1885 йилнинг январини**

дан телеграмма қабул қилина бошланди. 1892 йилнинг январ ойида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида почта алоқаси бўлими очилди. 1894 йилнинг апрел ойида бу ерга Морзе телеграф аппарати ўрнатилиб, алоқа бўлими Эски шаҳар почта-телеграф идораси, деб аталди. 1886 йилга келиб, Тошкент-Сирдарё-Самарқанд почта идоралари Туркистон почта телеграф округи бошқармасига айлантирилди.

Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши почтани от-аравада эмас, балки поездда ташиш им-

маркаси» акциядорлик жамияти (ҳозирда филиал) фаолият юритиб келмоқда. Ўша йилнинг ўзида биринчи почта маркаси шоира Нодирабегим таваллудига атаб чиқарилган эди. 1996 йилдан почта маркаларида ёш давлатимиз ҳаётидаги асосий босқичлар ўз аксини топа бошлади. Ўзбекистон почта маркалари «Иверт», «Скотт», «Михел» каталогларига киритилиб борилмоқда. Почта алоқаси орқали кичкина почта маркаси дунёни бизнинг мамлакатимиз билан таништи-

ULG'AYISH PILLAPOYALARI



TATUning 50 YILLIGI OLDIDAN

ТЎЙГА ТЎЕНА БИЛАН

Ёш авлод тарбиясига доимо катта эътибор берилган. Чунки ёшлар эртанги кунимиз асосчиларидир. Бу борада энг катта юк олий ўқув юртлирига тушади десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, ўз ишининг устасигина масъулятига кўпроқ ҳис этиб, Ватан олдидаги бурчини адо этишга қодир.

Тошкент ахборот технологиялари университети (2002 йилгача Тошкент электротехника алоқа институту) 50 йилдан бери юрт раванкига ўз ҳиссасини қўша оладиган мутахассислар етиштириб келмоқда. Бугунги ахборот асрида эса бундай мутахассисларга талаб янада юқори бўлмоқда.

Иқтисодиёт ва бошқарув факултети университетдаги энг ёш факультетлардан биридир. Шунга қарамай, олиб борилаётган ишлар ва ютуқлар кўзга кўринарли бўлаёттир. Факултет декани Саодат Юлдашева бу вазифада ишлаб бораётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо у қисқа муддатда бир бутун жамоани жипслаштириб улгурди. Ахир, муваффақиятлар калити ҳам ана шу бирлик, аҳилликда-да.

Бу йил Университетнинг 50 йиллиги нишонланади. Иқтисодиёт ва бошқарув факултетида ҳам бу байрамга ўзгача ҳозирлик кўрилмоқда. Талабалар турли тадбир ва анжуманларга жалб этилмоқда. Шу ўринда бир мисол: яқинда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «Нима? Қаерда? Қачон?» интеллектуал ўйинининг Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилди. Ушбу турнирда Тошкент ахборот технологиялари университети номидан қатнашган ва фахрли иккинчи ўринни эгаллаган жамоа аъзолари ҳам ана шу факултет талабаларидир. Бундан ташқари, факултет талабалари «Иқтидор» интеллектуал телеўйинида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жамоани ўйинга сардор сифатида декан ўринбосари Хуршид Бобомуродов бошлаб тушмоқда.

Халқимизда ажойиб бир удум бор, яъни тўйга қуруқ қўл билан боришмайди. Иқтисодиёт ва бошқарув факултетидегиларга эса бунини эслатишнинг ҳожати йўқ. Зеро, улар «тўёнлар гуддаси» тузишни аллақачон бошлаб юборганлар.

Худойберди НАЗАРОВ, ТАТУ Иқтисодиёт ва бошқарув факултети талабаси

Алоқа соҳаси — йиллар

Силсиласида

Жамиятда барча муносабатларнинг бошланишига алоқа воситаси асос бўлиб келган. Шундай экан, алоқа воситаларининг асосий йўналишлари — почта алоқаси, телекоммуникация ва радио алоқаларининг шаклланиши инсон ҳаётида етакчи ўринни эгаллайди.

қонини берди. **1900 йил, 1 июлда Тошкентда Туркистон почта-телеграф округининг темир йўллар бўйича почта ташиш бошқармаси тузилди.** Бу бошқарма Самарқанддан Красноводскгача ҳамда Кушка қўрғони билан Андижон шаҳрига борадиган йўл тармоқларини ўз ичига олган эди.

Жонаҳон Ватанимиз мустақилликка эришгач почта алоқаси хизматларида янги саҳифа очилди. 1992 йилдан почта хизмати электралоқа хизматларидан ажралиб қикди ва **1994 йили Бутунжаҳон почта Иттифоқи (БПИ)га аъзо бўлди.** 1997 йилда «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси тузилди. Компания таркибига 14та ҳудудий акциядорлик жамиятлари аъзо бўлиб, уларга 189 шаҳар ва туман почта боғламалари, 3017 шаҳар алоқа бўлимлари, 2327 қишлоқ алоқа бўлимлари кирди. Ҳозирги кунда почта тизимининг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси янада ошиб бормоқда. Айниқса, қўшимча хизматларнинг очилиши, яъни коммунал хизматлар, телефон учун тўлов, мол-мулкни сугурта қилиш, Интернет хизмати, электрон почта, гибрид почта хизмати аҳоли турмуш тарзида бир мунча қулайликлар яратмоқда.

Почта алоқа хизматини янада такомиллаштириш мақсадида ҳукумат қарорлари асосида «Ўзбекистон почтаси» ДАК очик акциядорлик жамиятига айлантирилиб, у ўз фаолиятини жаҳон андозаларига мослаштирмоқда. Шу жумладан, «Халқаро почта», «Ўзбекистон маркаси» ва «Халқаро тезкор почта» филиаллари ҳам акциядорлик жамияти таркибидан ўрин олди.

Почта алоқаси ҳақида гап борганда, почта хизматлари тўлов белгиси бўлмиш почта маркалари тўғрисида тўхталмай ўтиш мумкин эмас.

Республикамизда 1992 йилдан бошлаб «Ўзбекистон

риб, халқимизнинг бугунги кунини, маданий ёдгорликлари ҳақида фиксқа, лекин аниқ тасавурни уйғотмоқда.

Алоқа соҳасининг яна бир муҳим йўналиши бу — телекоммуникация тизимидир.

Ҳаётимизни телефонсиз тасавур қилишимиз қийин. Уни бежизга «ярим дийдор», деб аташмаган. Узоқни яқин қилувчи, яқинларингиз аҳолидан бошқарув этувчи, неча-неча корхоналари бир-бири билан боғловчи восита — телефондир.

Телефоннинг ҳам тарихи қизиқарлидир. Шотландиялик Александр Грехем Белл 1876 йили Филадельфиядаги кўрғазмада ўзи ихтиро этган телефонини намойиш қилади. Ўша даврдан бошлаб сим орқали алоқа боғлаш техникаси низоъда такомиллашиб кетди. Кейинчалик ҳатто китъаларни бир-бири билан боғловчи сув ости кабеллари ўтказила бошланди.

Ўзбекистон ҳудудида биринчи телефоннинг қилини Тошкент шаҳри мисолида кўришимиз мумкин. **Телефон 1887 йилда Тошкент почта-телеграф бошқармаси биноси билан Бошқарма бошлиғининг хонадонига ўрнатилди.** 1902 йилга келиб Тошкент шаҳар Думаси телефон тармоғини қуриш лойиҳасини тузиш учун қарор қабул қилади. 1903 йилда «Сименс-Галске» фирмасининг техник лойиҳаси тасдиқланади ва 1904 йилнинг 7 сентябрида шаҳар Думаси биносига 300 рақамли Тошкент телефон станцияси ишга туширилади.

1914 йилга келиб Тошкентда абонентлар сони 942га етади. 1915 йилда ёрдамчи телефон станцияси ишга туширилади.

1920 йилда шаҳар телефон тармоғи ҳам Туркистон почта ва телеграф Комиссариати ихтиёрига ўтказилди.

1932 йилнинг 8 мартида сифими 5000 рақамли биринчи автомат телефон станцияси ишга тушиб, ўттиз йил давомида тошкентликлар ва мех-

монлар хизматида бўлди. Кейинчалик унинг сифими 10000 рақамга етди.

1954 йилда телефон станцияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи номи билан аталиб, сифими 16700 рақамни ташкил қилди.

1955-1960 йиллар давомида 55 ва 44-АТСлар ишга туширилиб, сифими 25900 рақамни ташкил этади.

1960-70 йиллар ичида 33 ҳамда 35-АТСлар ишга туширилди. 1968 йилда Тошкент шаҳар телефон тармоғи (ТШТТ) ўз ичига Ҳамза, Чилонзор, Шайхонтоҳур (Октябрь) телефон боғламаларини бирлаштирган эди.

1970-80 йиллар давомида яна бир қанча АТСлар ишга тушди. 1980-90 йиллар мобайнида 01, 02, 03, 09 ва ҳоказоларнинг хизмати ташкил этилиб, ҳар бир станция иккитадан зиёд линияга бириктирилди.

1991 йилгача Ўзбекистон ҳудудидаги магистрал ва ички тармоқлар мис ҳамда квази-электрон кабеллардан иборат бўлган.

Шаҳарлараро алоқа хизмати чекланган бўлиб, маҳаллий телефон тармоғидаги мавжуд декадали-одимловчи станциялар усқуналари эскириб, ишлаш муддати тугаган, замон талабларига умуман жавоб бера олмайдиган ҳолда эди.

Истиқлол йилларида алоқа соҳасида ҳам ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликлар йўлга қўйилиб, хориж сармоядорлари билан биргаликда янги алоқа объеклари ишга туширилди. Дунёнинг исталган еридан юқори частотали алоқа ўрната оладиган йўлдошли алоқа қуришга қарор қилинди. Бу мақсад учун Япония мамлакатини 1992 йили **А(ЎЗБ-01А) стандартининг йўлдошли алоқа станцияси ва NEAX-61 халқаро станцияси ишга туширилди.** Монтаж ишлари япон мутахассислари билан бирга бажарилди. Айни пайтда ҳам халқаро алоқа тармоқлари жадал тараққий эттирилмоқда.

Дилдора АБДУАЗИЗОВА, «O'zAloqa Konsalting» YAJ етакчи мутахассиси

BU — QIZIQ!

SPORT, SPORT, SPORT

Қайси фаслда туғилгансиз?

Қиш: аълочилар туғиладиган вақт

Қишнинг соvuқ кунларида туғилганларга ҳаётининг дастлабки онлари қийин кечади. Чунки улар қуёш нуруни кам олишади ва тоза ҳавода кам бўлишади. Оналар ҳам баъзи зарурий витаминлардан бебаҳра қолишади. Бироқ қишда таваллуд толган болалар тенгдошларидан кўра яхшироқ ўқишаркан. Пуатйе (Франция) академияси олимлари 40 000 нафар мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишди. Бу вақтда туғилганлар ичидан кўпроқ шифокорлар, ҳуқуқшунослар ва ҳарбийлар чиқар экан.

Қишда туғилиш кишининг кейинги ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказиши. Бристол ва Эдинбург университетлари олимлари 50 ёшдан ошган беш мингдан ортиқ киши устида тадқиқ ўтказиб, қизиқарли далилга дуч келишди. Маълум бўлишича, "қишлик"лар қонда холестерин кўпайиб кетиши ва семириш даражаси бошқалардан кўра камроқ чалинишаркан экан. Шунингдек, улар юрак ва қон босими касалликларига бошқаларга қараганда 24 фоиз кам дучор бўлишаркан.

Баҳор: узун бўйлилар ва тортинчоқлар "мавсуми"

Ҳаво исиб, қуёш заррин нурларини соча бошлади ва табиатда жонлиш пайдо бўлди. Бу инсонларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди – баҳорда туғилганлар тенгдошларидан кўра новчароқ бўлишади. Буни веналик (Австрия) олимлари ярим миллион 18 ёшлилар ўртасида ўтказилган тадқиқотлардан сўнг аниқлашди.

Миннесоталик (АҚШ) психологлар эса "баҳорги" болаларнинг табиати оғир, тортинчоқ бўлишини аниқлашган. Психологларнинг айтишича, уларнинг ичида тортинчоқликни енга олганлари мансаб боради яхши натижаларга эришишлари мумкин.

Кўплаб ижодкор шахслар – олимлар, ёзувчилар, актёрлар, рассомларнинг аксарияти баҳорда дунёга келишган.

Инсоннинг туғилган кунини нафақат унинг характери, балки ўқишига, қобилияти ва соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатаркан. Бунда кўп нарса она ҳомиладорлик пайтида ҳамда туғилган фарзанд биринчи ойларида қандай шароитда бўлганлигига боғлиқ. Буни турли мамлакатларнинг олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлардан билиш мумкин.

Ёз: соғлом ва омадли кишилар даври

Бу фасл чақалоқлар учун энг қулай вақт ҳисобланади. Чунки бу пайтда иссиқ ҳаво ҳам, витаминлар ҳам етарли бўлади. Британиялик психолог, профессор Ричард Вейман 40 минг киши ўртасида сўров ўтказиб, шундай аниқлашди, "ёзлик"ларнинг аксари омадли бўлишаркан экан. Улар келажакка ишонч билан қаровчи, киришимли бўлиб, ўзларига юқори баҳо беришаркан. Уларга ўқиш, мансаб ва оилавий томондан бахт қулиб қолади. Кўпинча ёзда туғилганлардан сибсатчилар чиқади.

Ёзда туғилганлар бошқаларга қараганда камроқ касалликка дучор бўлишади. Австралиялик шифокорлар саратон касаллигидан вафот этганларнинг тадқиқ қилиши. Натижалар эса ҳайратланарли – уч мингта мар-

хумлар орасида ёзда таваллуд толганлар сони жуда озчиликни ташкил этган.

Кейинчалик америкалик олимлар ҳам "ёзлик"ларда саратон касаллигининг ривожланиши эҳтимоли жуда камлигини аниқлашди. Умуман, улар орасида бошқа касалликлар ҳам кам учрайди.

Куз: узоқ умр кўрувчилар даври

Йилнинг бу фасли ҳам турли витаминларни оналар ва болаларга тақдим этади. Бироқ ёгинли кунларнинг яқинлашиши бўлғуси оналарда турли депрессияларни келтириб чиқариши мумкин ва бу туғилмак болага ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Канадалик олимларнинг маълум қилишича, "кузлик"лар меҳнаткаш бўлишаркан. Улардан файласуф ҳам, ўқитувчи ҳам, фермер ҳам киши мумкин. Аммо кучли жарроҳ ёки синовчи-учувчиларни кузда туғилганлар орасидан топиш қийин – уларда тезкорлик, бир зумда аниқ қарорга келиш қобилияти етишмайди.

Австриялик олимларнинг маълумотига кўра, кузда чапақайлар кўп туғиларкан. Маълумки, бундай кишиларда ижодий салоҳият юқори бўлади.

Росток (Германия) демографик тадқиқотлар институти олимлари Габриэла Райтер ва Жеймс Воупеллар аниқлашди, "кузлик"лар орасида узоқ умр кўрувчилар кўпчилигини ташкил этаркан. Улар 1968—1998 йиллар оралиғида вафот этган миллиондан ортиқ инсонларнинг маълумотларини таҳлил қилиб шундай хулосага келишган.

Лутфилло ТУРСУНОВ
тайёрлади

КЕЙИНГИ БОСҚИЧ МАСАЛАСИ ДЕЯРЛИ ҲАЛ БЎЛДИ

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларининг бешинчи турида "Пахтакор" футбол жамоаси ўз майдонида Суриянинг "Ал-Жаиш" клубини қабул қилди. Ушбу мусобақада иштирок этаётган яна бир жамоамиз – "Нефтчи" эса Қувайтга сафар уюштириб, "Ал-Кувайт" билан баҳс олиб борди.



"Пахтакор" жамоаси 4:1 ҳисобида галаба гозониб, тўққиз очко билан "D" гуруҳида иккинчи ўринни банд этиб турибди. Уйинда Умид Исоқовнинг ўрнига иккинчи бўлимда майдонга тушган Сарвар Абдуллаев ҳисобни очди. Шундан сўнг Леонид Кочелев, Сервер Жепаров ва Анваржон Солиевлар ҳам тўп кириштига муваффақ бўлишди. Рақиблардан Ал Ҳарири бир тўп билан жавоб берди.

Тачмурод Агамуродов шогирдлари галаба қозонишганига қарамай, уларга чорак финалга йўл олиш насиб этмайди. Чунки ушбу турда гуруҳ пешқадами Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" жамоаси Ироқнинг "Ал-Завра" клубини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва очколари сонини 12тага етказиб олди. Саудияликлар кейинги ўйинда "Ал-Жаиш"дан мағлубиятга учрасалар ҳам (бунга эса ишончи қийин) тўплар нисбати ва ўзаро ўйин натижаларига кўра "Пахтакор"дан устун келади.

Фарғонанин "Нефтчи" жамоаси сафарда яна мағлубиятга учради ва кейинги босқич йўлланмасидан деярли маҳрум бўлди.

"Ал-Кувайт" – "Нефтчи" – 1:0

Ушбу гуруҳнинг иккинчи учрашувида Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Аҳли" жамоаси Қатарнинг "Ал-Садд" жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гуруҳда 9 очко жамоаран "Ал-Садд" ҳамон пешқадам бўлиб турибди. "Ал-Аҳли" ва "Ал-Кувайт" жамоаларида еттидан, "Нефтчи"да эса олти очко бор.

ВОЛЕЙБОЛ БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари коллежининг спорт залида «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент телефон-телеграф станцияси» филиали касаба уюшмаси кўмитасининг соврини учун волейбол мусобақаси ўз якунига етди. Уч кун давом этган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри ва вилояти алоқа корхоналари жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақа низомига асосан жамоалар қўшма таркибда, яъни эркаклар ва аёллардан иборат тарзда тuzилди. Қизиқарли ўтган баҳсларда 12та жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

«Тошкент телефон-телеграф станцияси», Тошкент ахборот технологиялари университети аввалдан спортнинг волейбол тури яхши ривожланган муассасалар ҳисобланади, лекин бундай мусобақаларда илк бор иштирок этган «Ўздунробита», «Коском», Ахборот технологиялари коллежи жамоаларининг ажойиб ўйинлари соҳамизда волейбол тобора оммалашиб бораётганини исботлади.

Чорак финал

"ТошТТС" – Ахборот технологиялари коллежи - 2-0

"Коском" – "Тошкент почтаси" - 2-0

"Ўздунробита" – "Тошкент Телеком" - 2-0

ТАТУ – ДФХ - 2-0

Ярим финал

"ТошТТС" – "Коском" - 2-0

"Ўздунробита" – ТАТУ - 2-0

Учинчи ўрин учун

"Коском" – ТАТУ - 2-1

Финал

"ТошТТС" – "Ўздунробита" - 0-2

Шундай қилиб, мусобақаларда биринчи ўринни "Ўздунробита" жамоаси, иккинчи ўринни "ТошТТС", учинчи ўринни "Коском" жамоаси эгаллади.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида иштирокчилар мусобақа тахминотчиларига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиши ва соҳамизнинг корхона, тахсилот ва муассасалари касаба уюшмалари кўмиталари совринлари учун волейбол бўйича мусобақаларни аънавий тарзда ўтказиш тақдирини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Ўзбектелеком» АК акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2005 йил 10 июн, соат 16⁰⁰да Тошкент шаҳри, А.Темури кўчаси, 15-уйда жойлашган Инвестиция Бош бошқармаси (олдинги "Шератон" меҳмонхонаси)нинг Конференц-залида бўлишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбектелеком» АКнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
2. «Ўзбектелеком» АКнинг 2004 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
3. «Ўзбектелеком» АКнинг 2004 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш ва Кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлаш тўғрисида.
4. «Ўзбектелеком» АКнинг 2005 йил Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
5. «Ўзбектелеком» АКнинг 2005 йилга аудиторининг тасдиқлаш тўғрисида.
6. «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгашининг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботи ва Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
7. «Ўзбектелеком» АК бош директорини ишга ёллаш шартномаси тўғрисида.
8. «Ўзбектелеком» АКнинг Кузатув кенгаши ва Ижро аппаратини рағбатлантириш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунининг 57-моддасига мувофиқ, акциядорлар Реестри 2005 йил 11 май ҳолатига ёпилган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 15⁰⁰да бошланади.

Акциядорлар вакилларидан ишончнома ва паспорт талаб қилинади.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби ҳужжатлари билан Тошкент шаҳри, А.Темури кўчаси, 24-уйда жойлашган «Ўзбектелеком» АК қимматбаҳо қоғозлар бўлимида танишиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 134-96-30, 139-23-78, 139-23-97.

«Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши



Худойберди НАЗАРОВ — 1984 йилда Жиззах вилояти, Фаллаорол туманидаги Кўчарбулоқ қишлоғида таваллуд топган. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Иқтисодиёт ва бошқарув факултети талабаси.

Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга аҳд қилган бу йигит адабиётга ҳам ошно. Бобораҳим Машраб, Жалолиддин Румий ғазалларини севиб мутолаа қилади ва уларга эргашиб ҚАЛАНДАР тахаллуси билан қалам тебратлади.

Куйида шеърят оламида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган ёш шоирнинг ижод намуналаридан эътиборингизга ҳавола этамиз.

ALOQACHILAR IJODIDAN



Хабарчилар

Кишин-ёзин тинмайди,
Қор ва ёмғир демайди,
Чарчаганин билмайди,
Меҳнаткаш хабарчилар.

Хонадонларга борар,
Дилларга шодлик солар.
Булар қачон дам олар?..
Заҳматкаш хабарчилар.

Велосипед ҳамроҳи,
Энг суянган ўртоғи,
Ишончи кўз қароғи,
Жонқуяр хабарчилар.

Уйда бўлар жуда кам,
Тиним билмайди ҳеч ҳам,
Аммо доимо бардам,
Тинмайди хабарчилар.

Хат-хабарни бир зумда,
Элтиб беради кунда,
Хатто ишлашар тунда,
Халқларвар хабарчилар.

Музаффар САТТОРОВ,
Марҳамат почта алоқа тармоғи ходими

Тўртликлар

Йиқилди Қаландар, дил тўла зардоб,
Кумга босиб юзин, кечдим ёр, деди.
Машраб деди, нодон, ахир бу азоб,
Чин ошиқ иши, сенга не бор эди?

Не қилай, ёр ҳажри энг оғир азоб,
Унга етишмоқлик энди бир сароб.
Деди Машраб кулиб, лаззат ҳам шунда,
Асло ғам емагил, қилавер тавоб.

Қаландар ғам чекиб ёри кўйида,
Сўради, адолат қайдадир бу кун?
Адҳам деди, Дарвеш, ҳижрон тунди,
Ёруғлик сўрамоқ ахир не учун?!

Вайрона қаср

Кўп йўл босиб ёр кўйида,
Бир қасрга етдим, ё Раб.
Қўлим тутиб, Эй Қаландар,
Қани киргин, деди Машраб.

Кириб кездим ичин сарсон,
Қаср эди кўп вайрона.
Овоз келди — бўлма ҳайрон,
Ахир, шудир чин афсона.

Бу қай афсона? - дедим мен,
Сирти гўзал, ичи хароб.
Севги, деди кулиб Адҳам,
Хам хушнудлик, ҳам изтироб.

Постмодернлар

Ақлли гап айтди.
Наҳот ақлли?
Ахир, эшитганлар фақат аҳмоқлар.

Китоб берди,
Ўқиб, илм чиқар деб.
Кейин олиб кетди ёстиқ остидан.

Бир куни
Мен ҳам буюк одам бўламан.
Агар пул тополсам еб-ичишимга!

ҚАЛАНДАР

Алоқачиларга қутлов

Кимлардандир мактуб, самар изладим,
Чопарларни ёллаб, сафар изладим.
Кабутар жўнатдим ҳижрон дардида,
Мен сиздан доимо хабар изладим.

Бугун тугмаларда урмоқда юрак,
Вақтдан ўзиб ишлаш ҳаёт мезони.
Бир зумда дунёдан беради дарак,
Симли, симсиз алоқалар замони.

“Ойнаи жаҳон”да дунё тасвири,
Ҳам янграр қўшиғи, куйи, навоси.
Радиоканаллар — гўзал ҳар бири,
“Машъал”, “Ёшлар” яна “Водий садоси”.

Узоқ-яқиндаги дўст-ёрларимиз,
Соғинсак, ташвиш йўқ — дунё бир қадам.
Факс, компютер, Интернетимиз,
Хизматимиздадир ҳар доим, ҳар дам.

Барча-барчасида бизлар биргамиз,
Фахрлансак арзир, дўстим, ҳар қачон.
Чарчоқларимизни тез унутамиз,
Мижозлар жилмайиб, “Раҳмат!”, — деган он.

Азиз касбдошим, омон бўлингиз,
Қалбингиз ҳар доим қувончга тўлсин.
Манзилингиз ёруғ, нурли йўлингиз,
Қутлуг айёмингиз муборак бўлсин!

Мақсуджон ХўЖАМБЕРДИЕВ,
“Фаргона Телеком” филиали ходими

Сканворд

Тузатқич: Абдумажид АҲМЕДОВ

Ушк (Автомобил)				Тў мас Дарё (Евросол)		Ота... Ота...		“Журиччи “Гадди” инстабили
			Миллат (Осиё)	Полива		Билан	Номус	Ювқа мато
Ачиқ қош Гашматдин ишғи	Найран қош Илоҳ (Фароғ)		Қад даволат	Тас Али		Пайғам бар	... ол!	
Орап (Тинч оқлони)		Тоҳирон		Кумуш ёри		Сўнги улов		
Туман (Андижон)	Илан тури	Мугул чарво асри			Ислоҳ бувиқам кримсон тия	Отир қосали	А. Қозилр агар	
	Қуйи қулоси			Ушк Боназар исми			Мистер ...	
		Иккерим ламбиса		Нарқат мадда				
Дунё қосқирн	Марқурин	Егини қопқини		... дар				
			Авто турн	Иби ...				
шў дош	Ақовчи		Туман (Қошқо дарё)		Дуо			
			Доир	100 га	Ушк	Ўрта		
	Дарвиш Бил (Аристон тот)				назира			
	Или		Давни	Равқам				
Ўзқошқ			Гонир оқари					

<p>МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</p> <p>Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ихлат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир уринбосари) Шомавсур ОБИДУҲЖАЕВ Миродаи САНГИЛОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (насылу котиб) Раҳимжон ТУРГУНОВ Алишер ХЎЖАЕВ Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллифларнинг факлари таҳририят фикридан фарқлаши мумкин. Наширнингдан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳрир материал — ①. Реклама матиаларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдар. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> <p>Манзилимиз: 700060, Тошкент—60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz.</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p> <p>458-G сонли бурютма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Алади: 7991 нусха.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигинда 042 рақами билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.</p> <p>Саҳифаловчи: А.БҮРИЕВ.</p> <p>Матн терувчи: Д.МАТҚҮРБОНОВА.</p>	<p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>